



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХИМОВ КОМИЛХОДЖА АНВАРХОДЖАЕВИЧ

**ЮҚОРИ ФИЛЬТРАШ ХУСУСИЯТЛИ ҚАТЛАМЛАРДА СУЮҚЛИК
ЮТИЛИШНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.11 – Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Рахимов Комилходжа Анварходжаевич Юқори филтрлаш хусусиятли қатламларда суюқлик ютилишини бартараф этиш усуллари ишлаб чиқиш	3
Рахимов Комилходжа Анварходжаевич Разработка методов ликвидации увода жидкости в отложениях с высокими филтрационными свойствами.....	21
Raximov Komilxodja Anvarxodjayevich Development of methods to eliminate fluid loss in sediments with high filtration properties.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХИМОВ КОМИЛХОДЖА АНВАРХОДЖАЕВИЧ

**ЮҚОРИ ФИЛЬТРАЛАШ ХУСУСИЯТЛИ ҚАТЛАМЛАРДА СУЮҚЛИК
ЮТИЛИШНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.11 – Қудукларни бургилаш ва ўзлаштириш технологияси

**ТЕХНИКА ФАҲЛЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РФД)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T2068 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdту.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умедов Шерали Халлоқович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Алиев Боходир Абдуганиевич
техника фанлари доктори

Мамаджанов Эльзод Ульмасович
техника фанлари номзоди

Етақчи ташкилот:

«НИИРНИГМ» ДМ

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/05.06.2020.T.03.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «24» 02 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 246-46-00/227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 239-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00).

Диссертация автореферати 2022 йил «8» 02 кунни тарқатилди.
(2022 йил « » даги № -рақамли реестр баённомаси)



Н.Н. Махмудов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси в.в.б., техника
фанлари доктори, профессор

Ш.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, PhD

А.А. Закиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси
уринбосари, техника фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда нефть ва газ қазиб чиқаришнинг ўсиши, асосан, чуқур маҳсулдор қатламларда бурғилаш ишлари жадаллигини ва ҳажмини ошириш ҳисобига таъминланмоқда. Бирок, бурғилаш ишларининг ошиши натижасида юзага келувчи мураккабликлардан бири бурғилаш эритмасининг қатламга ютилиши ҳисобланади. Шунинг учун нефть ва газ қонларини излаш ва қидиришни жадаллаштиришнинг ушбу йўналишида юқори фильтрация хусусиятига эга бўлган қатламларга суюқликни ютилишини олдини олиш мақсадида полимер тампоаж қоришмаларидан фойдаланиш долзарб масалалардан бири эканлигини таъкидлаш лозим. Шунга мувофиқ агрессив муҳитга бардошли полимер асосидаги тампоаж қоришмаси таркибини яратиш, ва уларни скважинанинг асоратли қатламларига етказиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёда углеводород хомашёсини қазиб олиш самарадорлигини ошириш мақсадида, скважиналарни мураккаб тоғ-геологик шароитларда авария ва асоратсиз бурғилаш билан бир қаторда, ютилишда цементли мостларни ўрнатиш технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада асоратли қатламларда учрайдиган, ёриқлар ва бўшлиқларни тўлдириш учун тоғ-жинслари билан яхши ёпишадиган, ўта мустаҳкам композициялашган полимерли тампоаж қоришмасини тез қотувчи таркибини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда ҳозирги вақтда ёқилги-энергетика комплексларини ривожлантириш учун юқори филтрлаш хусусиятли қатламларда юувчи суюқликларни ютилишини бартараф этиш мақсадида илғор илмий асосланган чора-тадбирлар жорий қилиниб бир қатор илмий-амалий натижалар асосида нефть ва газни қазиб олиш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида “ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш...”¹, бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда кудукларни қуриш учун юқори филтрлаш хусусиятли қатламларда юзага келадиган асоратларни олдини олиш ва бартараф этишда илмий-услубий асосланган ишларни қўллаш ва уларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг - 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

давлат дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон “Ўзбекистон Республикаси ёқилги-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сон “2017-2021 йилларда углеводород хомашёси казиб олишни кўпайтириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон “Нефть-газ тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иктисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республикадаги фан ва технологиялар ривожланишининг VII “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатламга ювувчи суюқликларни ютилишини олдини олиш ва баратарафлаш муаммолари ўтган юз йилликдан буён ўрганиб келинмоқда. Бу мавзу доирасида жуда кўп кон ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилган. Суюқликни ютилишини баратарафлаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий муаммо билан кўпгина дунёдаги кўпгина давлатлардаги илмий ташкилотлар шуғулланиб келмоқдалар. Қатламга бурғилаш эритмасини ютилишини олдини олишда қўлланиладиган самарали тампонловчи қоришмаларни, технологиялар ишлаб чиқишдаги эришилган ютуқларга қарамасдан ушбу муаммо тўлиқ ўз ечимини топмаган. Юқорида келтирилган муаммоларни ечишга катта ҳисса қўшган чет эл олимлари: А.И.Булатов, О.В.Савенок, Н.А.Сидоров, Е.И.Сукоренко, В.Д.Шевцов, А.Х.Мирзаджанзаде, С.А.Христианович, Г.И.Баренблат, А.П.Предеин, Ю.П.Желтова.

Ўзбекистонда бу муаммони У.Д.Мамаджанов, А.К.Рахимов, А.М.Аминов, Т.К.Қарабаев, Ж.А.Акилов, Ш.Х.Умедов, О.С.Омонов, Р.Ж.Пулатов, У.Д.Нурматов, Б.Хужаёров ҳамда бошқа олимлар томонидан ўрганилган ва маълум бир ютуқларга эришганлар.

Қатламга бурғилаш эритмасини ютилишини сабабларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар ва уларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида амалга оширилади, хусусан, M-I Swaco компанияси (АҚШ), Хитой нефть университети (ХХР), «ВолгоУралНИПИгаз» МЧЖ институти, Перм технологик университети, Тюмен нефть ва газ техника университети (Россия Федерацияси), Ивано-Франков давлат нефть ва газ техника университети (Украина), шунингдек, Тошкент давлат техника

университети ва Нефть ва газ конлари геологияси ва кидириш институти (Ўзбекистон).

Скважиналарни бургилашда мураккабликларни бартарафлаш бўйича илмий тадқиқотларнинг янгидан янги натижалари олинишига қарамасдан, инновацион технологияларни ишлаб чиқиш талаб қилинмоқда. Юқорида тўхтаб ўтилган муаммога боғлиқ ҳолда, қатламга бургилаш эритмаларини ютилиши билан боғлиқ бўлган асоратларни олдини олиш ва бартараф этишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, тампонаж эритмаларининг таркиби ва хусусиятини яратиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олний таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ва «BURG'ICHI BIZNES» ЎИИЧ корхонасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИОТ-2016-8-1 «Ўзбекнефтгаз» МХК майдонларида нефть ва газ скважиналарини мустаҳкамлаш учун маҳаллий хомашё асосида полимер тампонаж қоришмасини қўллаш» (2016-2017 йй), №ИОТ-2016-8-3 «Маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланган гилсиз бургилаш эритмаларини қўллаш», №ИОТ-2017-8-2 «Бургилашда скважина ўқининг торайиши ва жинсларнинг ўпирилишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади скважиналарни бургилаш жараёнида юқори фильтрация хусусиятига эга қатламларда суюқликнинг ютилишини полимер тампонаж қоришмаларини қўллаган ҳолда баратараф этиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жанубий-ғарбий Ўзбекистоннинг мураккаб тоғ-геологик шароитларида бургилашда мураккаб скважиналарнинг жорий ҳолатини аниқлаш;

юқори фильтрация хусусиятига эга бўлган қатламларга бургилаш эритмасининг ютилишини бартараф этиш усулларини ишлаб чиқиш;

скважиналарни қуриш жараёнида тампонаж қоришмасига физик-механик омилларнинг таъсирини аниқлаш;

бургилаш эритмасини ютилишини олдини олиш мақсадида цементли мост қуриш учун полимер тампонаж қоришмаларини скважина тубига етказиб беришнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш;

цемент тошининг мустаҳкамчилигини ошириш учун полимер тампонаж қоришмасига ҳароратнинг таъсирини аниқлаш;

бургилаш эритмасини қатламга ютилишида полимер тампонаж қоришмасига ҳароратнинг таъсир этиш қонуниятини аниқлаш;

полимер асосида тампонаж қоришмасининг таркибини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бургилаб ўтиш жараёнида ювувчи суюқликнинг ютилиши содир бўладиган юқори фильтрация хусусиятига эга бўлган қатламлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети юқори фильтрация хусусиятли қатламларга бурғилаш эритмасини ютилиши билан қатламнинг физик-механик хусусиятлари, ҳамда бурғилаш эритмасининг хусусиятлари, шунингдек скважина-қатлам тизимида босим ўзгаришининг юзага келиши билан ўзаро боғлиқлигини ўрнатиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида математик статистика, илмий ва тажриба тадқиқотлари, шунингдек бурғилаш вақтида юқори фильтрация хусусиятига эга бўлган қатламларга бурғилаш эритмасини ютилишини бартараф этиш билан боғлиқ мавжуд материалларни солиштириш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қатламга бурғилаш эритмасини ютилиши тадқиқ қилинди ва асосий сабаблари аниқланган;

скважина туби босим датчиклари ёрдамида қатламларни очишда қатлам босимини ўлчаш усули аниқланган;

композицияли тампонажловчи моддаларни суюқ ва қуруқ ҳолатда скважина тубига етказиб бериш усули ишлаб чиқилган;

герметикловчи головкани қўллаган ҳолда скважина туби ва қатлам босимлари орасида ўзаро мутаносибликда скважиналарни бурғилаш технологияси ишлаб чиқилган;

юқори фильтрация хусусиятига эга бўлган қатламларга бурғилаш эритмасини ютилишини бартарафлаш учун полимер асосидаги тампонаж қоришмасининг таркиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори фильтрация хусусиятига эга бўлган қатламларга бурғилаш эритмасини ютилишининг асосий сабаблари аниқланган;

маҳсулдор қатламларни очишда бурғилаш эритмаларини ютилишини олдини олиш ва баратараф қилиш технологияси ишлаб чиқилган;

асоратлар сабаб бурғилаш скважиналарининг тўхтаб қолишига сарфланадиган вақтнинг ошиши аниқланган;

бурғилашнинг тезлиги ортганда бурғилаш ишларининг умумий таннархи камаяди аниқланган;

скважинада асоратли қатламларни изоляция қилиш усули ва полимерли тампонаж қоришмасини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари қатламга бурғилаш эритмаларини ютилиш сабабларини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибалар бошқа тадқиқотчилар томонидан ўтказилган натижалар билан солиштириш асосида тасдиқланган. М-25 қонидаги № 6-ОЭ, №2-ОЭ скважиналарида, ҳамда Муборак НГҚЧ бошқармасининг «Жанубий Кемачи» қонидаги №79 скважинасида олиб борилган амалий тадқиқот ишлари тадқиқотнинг назарий натижаларини тасдиқлайди, чунки бу скважиналарда қатламга бурғилаш эритмасини ютилишини бартарафлаш бўйича ижобий натижалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори филтрация хусусиятига эга бўлган қатламга бурғилаш эритмасини ютилишини баратарафлаш учун тез қотувчан полимер тампонаж қоришмаси таклиф этилган ва бу скважиналарни бурғилаб ўтиш самарадорлигини ошишига олиб келади. Шунингдек, ишланма скважиналарни бурғилаш билан шуғулланаётган ташкилотлар учун катта аҳамиятга эгаллиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ютилаётган эритмани баратарафлашда қўлланилаётган усуллар натижасизлигининг асосий сабабларини, юқори филтрация хусусиятига эга булган қатламларга бурғилаш эритмасини ютилишини олдини олиш ва баратарафлаш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, полимер моддалар асосидаги тампонаж қоришмаларининг таркибини аниқлаш скважина қуришни яқунлашни тезлашишига ва унинг таннархини пасайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори филтрация хусусиятига эга бўлган қатламларга бурғилаш эритмасини ютилишини баратараф этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

полимер асосидаги тампонаж қоришмасининг таркиби Жанубий Кемачи конининг №79 сонли скважинасида жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 7 июндаги №04-23/1-756 сонли маълумотномаси). Натижада асоратларни баратараф этиш вақти, шунингдек материаллар ва ташкилий ишлар харажатларини қисқартириш имконини берган;

суюқликни ютилишини баратарафлашда тампонаж қоришмасини қатламга етказиб бериш технологияси Жанубий Кемачи конининг №79 сонли скважинасида жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 7 июндаги №04-23/1-756 сонли маълумотномаси). Натижада скважинада бурғилаш эритмасини ютилишини баратарафлаш ва бурғилашни тезлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий ишлар нашр қилинган, жумладан, 1 та монография, илмий журналларда 3 та, конференция материалларида 13 та тезис. Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси диссертациянинг асосий илмий натижаларини нашр учун тавсия этган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, шундан 2 таси республика, ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми 99 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, натижаларнинг жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Скважиналарни бургилаш жараёнида қатламга бургилаш эритмасини ютилиш сабабларини тадқиқ қилиш» деб номланган биринчи бобда ютувчи горизонтга ювувчи суюқликни ютилишини олдини олиш бўйича маълум ишларнинг қисқа таҳлили келтирилган. Қатламга ютилишни баратарафлаш ишлари ҳар доим ҳам самара бермаган, бургилаш эритмасини ютилишига олиб келадиган сабаблар ва шароитлар келтирилган.

Қатламга эритмани ютилишини баратарафлаш мақсадида қайта ва қайта (15-20 марта) ўрнатилган цементли мост ҳам самара бермаган. Бургилаш ишлари районининг геологик тузилиши келтирилган. Скважина кесимларида ювувчи суюқлик ютилади юкори фильтрация хусусиятига эга қатламлар учрайди. А.К. Рахимов, У.Ж. Мамажонов, Ж.А. Акилов, А.М. Аминов, Е.А. Лыков, Ш.Х. Умедов, А.И. Булатов, Б.И. Мительман, Н.А. Гукасов, А.М. Пирвердян, А.К. Козодой, А.В. Зуберев, В.С. Федеров, В.И. Бег, Э.В. Бабаян ва В.И. Рябченко каби олимлар тадқиқотлари, скважинада, ювувчи суюқликни қатламга кетиши кучайтирувчи гидродинамик босим ҳосил бўлиши муаммоларини ўрганиш бўйича қатга ҳисса қўшганлар.

Ювувчи суюқлик хусусиятлари, турли геологик операцияларни амалга ошириш ва скважинани ювиш вақтида ҳосил бўладиган гидродинамик босимни камайтира олма, бургилаш эритмасининг қатламга кетишини олдини олиш мумкин.

Тампонаж аралашмаси маълум эритма билан аралаштирилиб, бургилаш эритмасини ютилиш зонасига цементнинг жуда кам концентрацияси бўлган гел-цемент етказилади, бу эса қотишни қийинлаштиради, шунингдек, цемент мост ўрнатилиши, тўлдирувчилар (майдаланган резина, гуруч ва пахта шелухаси ва бошқалар) билан яна қайта такрорланади.

Эритманинг қатламга ютилиши ва уларни олдини олиш чоралари бўйича етарлича мисоллар келтириш мумкин (1-жадвал).

Скважинани бургилаш пайтида эритманинг қатламга ютилиши бўйича чоралар ва гидродинамик босимга боғлиқлигини, турли хил илмий-тадқиқот институтларидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида олинган ҳақиқий материаллардан кўриш мумкин.

1-жадвал

Скважинани бургилаш жараёнида солид бўлган асоратлар

№ скважиналар, мабдон	Стратиграфик пачка номи	Бургилаш эритмаси ютилиш оралиғи, м	Бургилаш эритмасининг кўрсаткичлари			Бургилаш эритмасини ютилишини баратарафлаш бўйича баъжарилган ишлар
			Р, г/см ³	Т, с	В, см	
1	2	3	4	5	6	7
2 П - Шимоллий Ғузор	Сенонский ярус	890 - 1055	1,2	50	10	Тўлдирувчилар, фосфоритс қўшилган – ютилиш баратараф этилган
1 П - Тандирча	Бухарский ярус	750	1,19	60	8	Эритма зичлиги 1,13 г/см ³ гача пасайтирилган. Целлюлоза қўшилган – ютилиш баратараф этилган
2 П - Тандирча	Келловей - оксфорд	3226	1,29	60	30	Эритма зичлиги 1,24 г/см ³ гача пасайтирилган. Кирилли (опилка) қўшилган – ютилиш баратараф этилган
2 П - Ғузор	Сенонский ярус	1085 - 1107	1,3	70	15	Целлюлоза киритилган – ютилиш баратараф этилган
1 П - Чибини	Бухарский ярус	150 - 350	1,26	60	9	Эритма циркуляциясиз бургиланган – кондуктор туширилган
1 П - Шагирилк	Бухарский ярус	120 - 150	1,15	55	8	Эритма циркуляциясиз бургиланган – кондуктор туширилган
1 П - А. Кўнгирот	Бухарский ярус	350 - 400	1,12	55	9	Эритма циркуляциясиз бургиланган – кондуктор туширилган
1 П - Абадан	Бухарский ярус	94 - 210	1,18	60	10	Эритма шламдан тозаланмастан бургиланган
2 П - Чибини	Палеозой	3962 - 3965	1,32	40	10	Цементли мост ўрнатилган – натижасиз
1 П - Ж. Нишон	Бухарский ярус	717 - 728	1,28	120	10	Эритма циркуляциясиз бургиланган – кондуктор туширилган
1 П - Янгийўл	Карбон	1656 - 1681	1,3	55	10	Эритмага тўлдирувчилар қўшилган, цементли мост ўрнатилган – натижасиз
2-ОЭ М-25	Келловей - оксфорд	3202,5	2,08	65	8	150 кг/м ³ калмайтдан иборат 5м ³ калмайтлин пачкага юборилди
4-ОЭ М-25	Келловей - оксфорд	3208	2,14	70	8	Калмайтлин пачкага 12м ³ ҳажмли (вермикулит- 60кг/м ³ , СаСО ₃ -100кг/м ³ , рисова шелуха -50кг/м ³) юборилди
6-ОЭ	Келловей - оксфорд	2915,1	2,28	65	8	Очик стволга 3 та цементли мост ўрнатилган. 177,8 мм ли думча (хвостовик) пакср билан туширилган

Диссертациясининг «Жанубий-ғарбий Ўзбекистон майдонларида скважиналарни бургилаш вақтида бургилаш эритмасининг қатламга ютилишини тадқиқ қилиш» деб номланган иккинчи бобида Бухоро-Хива ва Сурхондарё нефт-газли вилоятларидаги скважиналарни бургилашда коришманинг қатламга ютилиши материалларига бағишланган. Кўрсатилган худудлардаги бургилаш эритмасининг қатламга ютилиши, палеоген ва юра даври қатламларини очиш вақтида, юқори қатлам босимига қарамасдан содир бўлган.

Палеоген ётқизикларининг қуйи қисмида қалинлиги 20-40 м бўлган коваксимон оҳақтош қатлами регионал тарқалган бўлиб, бу қатламларда юувчи суюқлик жадаллик билан ютилиши рўй беради. Юра чўқиндиларидан XV, XVa горизонтларининг ғовақлиги 10-20%, шунингдек, ўтказувчанлиги аномал юқори қатлам босимли зоналарда 200 - 3 мд. Бухоро оҳақтошларининг ётиш чуқурликларининг ўзгарувчанлиги ҳақида маълумотлар олинди. Масалан, бухоро яруси оҳақтошларига эга бўлган Кўкдумалок майдонларида, Ўзбекистон геология бўлими маълумотларига кўра, келтирилган уюмлар «Истмок» қонида, шунингдек Ширинқудук ва Хатчакўл майдонларида скважиналар белгиланган чуқурликкача циркуляциясиз бурғиланган. Худди шу вақтда, ютилиш зонасида бурғилаш эритмаси сифатида қатлам сувларидан фойдаланилган. Скважинага туширилган кондуктор билан ютилиш зонаси беркитилишига қарамасдан, ютувчи оралиқ скважина тубигача тўғри усулда, сўнг тесқари усулда цементланган. Шунингдек, ютилиш характери қатлам босими билан боғлиқ, хусусан, аномал юқори қатлам босимли шароитларга эга бўлган қонларда (Зеварди ва Кўкдумалок) бурғилаш катастрофик ютилиш, ҳамда газ намойёналиши билан бирга кузатилган.

Унумдор қатламларнинг таркиби кўп ҳолларда газдан иборатдир, газ осон сиқилади, бунда юувчи суюқлик ҳам қатламга осон қиради. Юувчи суюқликнинг ютилишини бартараф қилиш чоралари, бентонит тупроғидан тайёрланган бурғилаш коришмасига боғлиқ инерт тўлдирувчилар қўшилади, бунда қоришма зичлиги қамайиши ва тез қотувчи аралашмали (ТҚА) цемент мостларни қўйиш билан боғлиқ бўлади. Ушбу чоралар кўпинча натижа бермайди. Қатламга бурғилаш эритмасининг ютилишини бартараф қилишда вақт йўқотилади ва моддий ресурслар сарф қилинади. «ИГИРНИГМ» АЖ илмий-ишлаб чиқариш институтида, бурғилаш эритмасининг ютилиш зонасини изоляция қилиш учун диацетата целлюлозли (ДАЦ) қоришма ишлаб чиқилди ва Шимолий Гузар майдонидаги 2-скважинада ижобий натижа кўрсатган. Диацетат целлюлоза Фарғонанинг «Азот» заводи чиқиндиси ҳисобланади. Рифли қатламларни очиш уларнинг юқори ғовақлиги ва ўтказувчанлиги сабабли кўп қийинчилик туғдиради. Шунини айтиб ўтиш керакки, қондаги қатта бўлмаган қатлам босими ҳам унга бурғилаш эритмасининг ҳалокатли ютилишига олиб келади. ИГИРНИГМ институтидаги тадқиқотлар, кимёвий реагент билан ишлов берилган қоришма филтратининг кириши, жинснинг ўтказувчанлигини 2-4 баробарга қамайиришини кўрсатди. Мисол учун, Қултоқ қонининг 8-қудуғидаги 2958 – 2961 м (XV горизонт)

интервалидаги синовда 783 минг.м³/сут дебитли газ олинган. Фонтан арматурасида газ чиқиши сабабли, унинг ўтиши тўхтатилиб, скважина катта босимли қоришма ёрдамида бостириб қўйилган. Кон оғзи қайта жиҳозлангандан сўнг, углеводород хомашёси чиқишига тайёрланди, лекин скважина дебети 20 минг.м³/сут дан ошмаган. Юқоридаги ҳолатни қатламга кириб борган эритма таъсирида унинг маҳсулдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича кон тажрибаси сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бу мисол шуни кўрсатадики, қатлам салоҳиятини баҳолашда хато қилиш мумкин, чунки кўп ҳолларда маҳсулдор қатламлар сезиларли репрессия билан очилади. Тадқиқот натижасида аниқланишича, келловей-оксфорд ярусининг риф оҳактошлари скважина туби босимининг ўзгаришига сезгир (яъни, юқори ўтказувчанликка эга). Скважина туби босимини қатлам босимидан пасайтириш скважинага газ оқимини келишига олиб келади. Эритмани газсизлантириш натижасида унинг зичлиги камайд ва эритмани скважина устига отиб юбориш рўй беради. Шу сабаб билан жуда кўп газ фавворали фалокатлар рўй берган. Кўпгина скважиналарни ишчи ҳолатга қайтариш имконияти бўлмаганлиги сабаб ликвидация қилинган (2-жадвал).

Кўкдумалокнинг №3 скважинасида 11 марта, Кўкдумалокнинг №10 скважинасида 30 марта цементли мост ўрнатилган. Ҳар қайси мост учун 10 т цемент ва 3 т бентонит гили сарфланган. Тадқиқотлар натижасида Кўкдумалок майдонида эритманинг ютилиши ва ўрнатилган цементли мостлар миқдори тўғрисида маълумотлар келтирилди (3-жадвал). Қатламларни очишда қатлам босими ҳақида маълумот йўқлиги сабабли, эритма қониқарсиз тозаланганлиги, бурғилаш эритмасининг реологик хусусиятлари ёмонлашиши натижасида босимлар фарқи белгиланган нормадан (чуқурликка боғлиқ ҳолда 1,5-3,5 МПа) ошиб кетиши аниқланган. Эритманинг қатламга ютилиши натижасида қатлам ифлосланади, қатламнинг унумдорлиги пасаяди, натижада нотўғри қарорлар қабул қилинади.

Диссертациянинг «Юқори филтрация хусуситига эга бўлган ётқизикларга бурғилаш эритмасини ютилишини барқарафлаш учун полимер тампонаж қоришмасини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида, скважиналарни бурғилашда бурғилаш эритмасининг қатламга ютилиш сабаблари ва шароитлари ўрганилган ва карбонидформальдегид смоласидан фойдаланган ҳолда полимер тампонаж қоришмаси асосида ютилишни олдини олиш ва барқарафлаш усуллари ишлаб чиқилган. Бу бўлимда мавжуд сабабларга асосланган ҳолда суюқлик ютилишини барқараф этиш технологиясининг янги ва такомиллаштирилган усуллариининг моҳияти баён қилинган. Суюқлик ютилишининг биринчи сабаби – очилаётган қатлам босимининг ноаниқлиги сабабли қатлам босимининг ҳаддан зиёд ошишидир. Қатлам босимини ўлчаш технологияси ишлаб чиқилди.

Олинган маълумотларга кўра эритма зичлиги коррективировка қилинди. Иккинчи сабаб – кувор ортида юзага келадиган гидродинамик босим. Ўтказилган малакали-тажриба ишлари тушириб-кўтариш жараёнининг тезлиги (0,5-1,0 м/с) ва скважиналарни ювиш жадаллиги

Бешкент эгиклигида бургилашда бартараф эгилган скважиналарнинг ҳолати ва тадқиқот натижалари

№ скважина ва майдон номи	Лойхавий чуқурлик, м	Амалий чуқурлик, м	Катлам босими, МПа	Катлам эритманинг босими, МПа	Асоратлар тури
4 Камаш	3700	3236	57	61	Эритма ютилиши, газ намоевланиши
6 Камаш	3730	3060	60	45	Туздон қатламларда рапа намоевланиши
4 Бешкент	3500	2928	60	50	Туздон рапа намоевланиши
6 Бешкент	3550	3600	60	66	Туздон оралик колоннанинг буқилиши
4 Айвонат	3300	3291	54	35	Туздон оралик колоннанинг буқилиши
6 Алан	3000	2882	57	48	Туздон рапа намоевланиши
1 Култук	3280	2949	57	48	Газнинг фалокатли фаввораланиши
9 Култук	3200	2972	57	62	Газнинг фалокатли фаввораланиши
18 Култук	3200	3031	57	63	Туздон оралик колоннанинг буқилиши
20 Култук	3200	3159	57	63	Бургилаш колоннасининг сиксалиб қолиши
2 Памук	3200	2749	50	36	Газнинг фалокатли фаввораланиши
3 Памук	3150	2582	-	-	Памукаги № 2-скважинадан газнинг сизishi

Кўкдумалоқ майдонида эритмани ютилиши ва ўрнатилган цементли мостлар микдори тўғрисидаги натижалари

№ скважиналар	Эритманинг ютилиш оралиғи, м	Бургилаш эритмасининг аёчилиғи, г/см ³	Урнатилган цементли мостлар сони	Натижалар	
				Урнатилган цементли мостлар сони	Натижалар
50	2945	1,96	18	3072 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
51	3039	1,95	11	3060 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
67	2974-2893	1,95	5	3128 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
76	2884	1,97	31	2915 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
113	3006	1,93	16	3100 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
60	2923-3006	2	9	3100 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
68	2958	1,95	9	2921 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
96	2868-2986	1,97	3	3120 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
92	2864-2930	1,96	19	3096 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
91	2841-2900	1,97	-	2921 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
201	2864-2908	1,96	21	3127 м га мустаҳкамловчи кувур туширилди	
71	2873-2916	1,94	5	3085 м га обсад колоннаси туширилди	
52	3025-3032	1,93	11	бургилашмади	

(Q, л/с) чегаралари ўрнатилди. Катлам босимиға қарши босимни қамайтириш учун скважина ва қатлам орасидаги босим мувозанатида бургилаш тавсия

этилади. Ушбу усулни амалга ошириш учун герметловчи деталь ёрдамида амалга оширилади. ПДМТ масофали босим датчиги скважинага ёпишқок тензорезисторли сезгир каротаж кабели ёрдамида туширилади. Бу датчиқлар фоторегистр билан лентага фиксацияланади.

Тушириб-кўтариш жараёнларини оптималлаштириш учун бурғилаш жараёнини бошқаришда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва амалда қўлланилган «Ўзбекистон» автоматлаштирилган тизимини қўллаш тавсия этилади. «Ўзбекистон» автоматлаштирилган тизими бурғиловчи кабинасига ўрнатилади. Бу тизим скважинадаги шароитларга боғлиқ ҳолда бурғилаш колоннасини ҳаракатланиш тезлигини оптималлаштиради, долотани сработкасига сигнал беради ва долотани узатишни амалга оширади.


Бундан келиб чиқиб, ўтказилган лаборатория тадқиқотлари натижасида таркибида «Микросфера» реагенти, базальт ва КМЦ бўлган полимер тампонаж коришмаси тадқиқ қилинди. Бунда КМЦ полимер реагенти ҳисобига қотиш муддатлари 2 соат 5 дақиқадан 3 соат 30 дақиқача ошган.

Графикда (1-расм) турли хил қўшимчалар, «микросфера» КМЦ реагенти билан композицион полимер тампонаж коришмасининг лаборатория тадқиқот натижалари келтирилган. Бунда сув-цемент нисбати 0,8 га тенг.




1-расм. Микросфера қўшилган тампонаж коришмасини КМЦ полимер реагенти билан таққослаш графиклари (сув-цемент нисбати 0,8 га тенг)

Тадқиқот натижаларига кўра, қотиргич қўшилган маҳаллий хомашёлар асосидаги полимер тампонаж аралашмаси (ПТА) мустаҳкамловчи қувурларни сифатли мустаҳкамлаш учун яроқли. Бундай, полимер қўшилган полимер тампонаж коришмасини коришма қотиш муддати узок вақт талаб этилганда тавсия этиш мумкин (2-расм, 4-жадвал).



2-расм. КФС асосидаги турли тўлдирувчиларни қўллаган ҳолда полимер тампонаж коришмасининг зичлиги ўзгаришининг боғлиқлик графиги



3-расм. Барит ва базальт кукуни қўшилиб оғирлаштирилган полимер тампонаж коришмаси учун боғлиқлик графиги

Юқори фильтрация хусусиятига эга бўлган қатламларга ювувчи суюқликларни ютилишини олдини олиш учун мўлжалланган, ҳажмга жойлаштириладиган, скважинанинг мураккаб зоналарини цементлаш сифатини ошириш мақсадида маҳаллий хомашёлар асосида энгиллашган полимер тампонаж коришмасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди (3-расм, 5-жадвал).

4-жадвал

80 °С хароратда микросферанинг турли тўлдирувчилари ва базальт кукуни асосида энгиллашган полимер тампонач коришмасини лаборатория синов натижалари

№	Композицион-полимер тампонач коришмасининг таркиби, %			Қотиргич, %	Зичлик, г/см ³	Оқувчанлик, см	Қотиш муддатлари		Мустахамлик, МПа
	КФС	Микросфера, %	Композициядаги базальт кукунининг миқдори, масс. %				бошланиши, соат/дақ	туғали, соат/дақ	
1	100	-	-	-	1,29	>26	2-55	2-50	7
2	94	3	3	0,02	1,20	25,0	2-50	3-15	8
3	88	6	6	0,02	1,15	24,0	2-50	3-10	8
4	82	9	9	0,02	1,1	24,0	2-40	3-00	9,5
5	76	12	12	0,02	1,05	24,0	2-40	2-55	9,7
6	70	15	15	0,02	0,985	23,5	2-30	2-50	8,9
7	64	18	18	0,02	0,965	23,5	2-20	2-45	8,3
8	60	20	20	0,02	0,950	23,0	2-15	2-30	7,5

5-жадвал

80 °С хароратда баритнинг турли тўлдирувчилари ва базальт кукуни асосида полимер тампонач коришмасини лаборатория синов натижалари

№	Композицион-полимер тампонач коришмасининг таркиби, %			Қотиргич, %	Зичлик, г/см ³	Оқувчанлик, см	Қотиш муддатлари		Мустахамлик, МПа
	КФС	Барит	Базальт				Қотишнинг бошланиши, соат/дақ	Қотишнинг туғали, соат/дақ	
1	100	-	-	-	1,26	>26	2-55	2-50	7
2	94,5	2,5	3	0,02	1,30	25,0	2-45	3-10	8
3	89	5	6	0,02	1,35	23,0	2-35	2-55	8,5
4	81	10	9	0,02	1,45	22,5	2-25	2-50	9,5
5	73	15	12	0,02	1,50	21,0	2-10	2-45	9,5
6	65	20	15	0,02	1,55	20,5	1-45	2-15	9,7
7	62	20	18	0,02	1,65	19,0	1-35	2-05	8,7
8	55	25	20	0,02	1,75	18,0	1-15	1-40	8,5

Барит ва базальт кукуни қўшилиб оғирлаштирилган полимер тампонаж қоришмасининг тадқиқот натижалари тампонаж қоришмасининг зичлигини бошқариш мумкинлигини, шунингдек, цемент тошининг мустаҳкамлигини 7 МПа дан 9,7 МПа гача ошириш мумкинлигини кўрсатди, бунда қотиш муддатлари 1 соат 45 дақиқадан 2 соат 15 дақиқагача оралиқда олинган.

Бургилаш эритмасини қатламга киришини махсус ҳажмли идиш ёрдамида бартараф этишнинг янги усули таклиф қилинган, бунда идиш орқали микросфералар ва тўлдирувчи моддалар ишлатилиб, тампонажловчи материалларини етказиб бериш амалга оширилади.

Идиш композицион полимер тампонажловчи материаллар билан тўлдирилади ва икки томонидан тиқин ёрдамида ёпилади. Тиқинлар, босим остида кесилувчи штифтлар билан ушлаб турилади ва тиқин материал билан биргаликда скважинага тушади.

Диссертациянинг «Бургилаш эритмасининг қатламга кетишини бартараф этиш мақсадида саноат шароитида полимер аралашмасини экспериментал тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида Бухоро-Хива нефтгаз майдонларида аномал паст қатлам босим шароитида ишлаб чиқилган полимер тампонаж аралашмасининг тажрибавий-саноат синовларини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Ишлаб чиқилган полимер тампонаж аралашмаси Жанубий Кемачи майдонидаги 79-скважинага татбиқ қилинган. 140 мм х 2350 м ли ишлатиш колоннани унинг 1925-2350 м интервалдаги I-поғонасида синтетик карбамид-формальдегид смола қўлланилган композицион материал асосидаги полимер тампонаж аралашмаси билан тўлдириш амалга оширилган. Тўрт тонна синтетик карбамид-формальдегид смола асосидаги полимер тампонаж аралашмаси тайёрланган, таркибига қотиб қолиш муддатини бошқариш мақсадида — карбамид-формальдегид смолага қотирувчи, шунингдек, турли тўлдирувчилар қўшилган бўлиб, бу тўлдирувчилар билан бирга тампонаж материалнинг 4м³ ҳажми тайёрланган. Полимер тампонаж аралашмасини қуйишдан олдин, скважина, унинг очиқ қисмларини бургилаш қоришмаларидан тозалаш мақсадида, интенсив сув циркуляцияси ёрдамида ювилди.

Буферли суюклик ёрдамида, тайёрланган 4 м³ полимер тампонаж аралашмаси қуйилди. Полимер тампонаж қоришмаси тошларининг аралашма ҳажмидан кенгайиши ҳисобига, қувур ташқарисида у сезиларли даражада кўпайди, бу эса барча мавжуд бўшлиқларни тўлдирди ва полимер тампонаж қоришмаси тошининг колонна ҳамда скважина девори билан яхши бирлашишига олиб келди.

Цементнинг қотишини кутиш (ЦКК) ҳеч қандай асоратларсиз ўтди. Қувур ва қувур ташқарисидаги сатҳларнинг опрессовкаси ижобий натижалар кўрсатди: 140 мм х 3250 м ишлатиш колоннасининг I-поғонасига қуйиш муваффақиятли ўтди ва скважинанинг II-поғонасини цементлашдан сўнг синашга топширилди. Колоннани перфорация қилишда нефтнинг етарли оқими олинди ва шу билан бирга ҳеч қандай ёмон асоратлар қузатилмади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида ювувчи суюкликнинг қатламга кетишини бартараф қилиш ҳамда скважиналарни бурғилаш жараёнида колонналарни цементлаш бўйича раҳбарий ҳужжат ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Уларда бурғилаш қоришмасининг қатламга турли хил тезлик билан сизилишини бартараф қилиш ва олдини олиш йўллари келтирилган. Ушбу Қўлланмани ишлатиш, скважиналарни ҳеч қандай асоратларсиз бурғилашни, ишлаб чиқариш бўлмаган вақтни камайтиришни, шунингдек, бурғилаш техник, тижорат тезлигини оширишни таъминлайди, бу эса сезиларли даражада маблағ ва моддий воситаларни тежашга олиб келади.

Х У Л О С А

Юқори филтрлаш хусусиятига эга қатламларда суюклик сизилишини бартараф этиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги натижаларга эришилди: илмий янгилик, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот ишлари натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда қуйидаги назарий хулоса ва амалий тавсиялар шакллантирилди.

Натижада қуйидагиларга эришилди:

1. Бурғилаш жараёнида бурғилаш эритмасининг ютилишини олдини олишга асосланган, турли хил тўлдирувчи моддалар қўлланган полимер тампонаж қоришмаси билан мустаҳкамловчи қувурни цементлашнинг илмий технологияси яратилди ва илмий асосланди.

2. Полимер тампонаж тошининг қувур ташки сатҳидаги кенгайиш қонунияти аниқланди, бу барча мавжуд бўшлиқларни ишончли тўлдириш ва тошининг колонна ва скважина деворига яхши ёпишишига самарали таъсир қилди, бу эса юқори филтрлаш хусусиятига эга қатламларда суюкликнинг ютилишини бартараф қилишга олиб келди.

3. Мураккаб скважина зонасининг асоратли тоғ-геологик қатламларда содир бўладиган фалокатларни бартарафлашда махсус контейнер ёрдамида етказиш учун полимер тампонаж қоришмасининг янги технологияси ишлаб чиқилди.

4. Полимер реагентининг цемент композицияси структурасининг ҳосил қилишига таъсири аниқланди, шунингдек, тампонаж қоришмасига акрил эмульсиясини қўшиш, ҳамда тўлдирувчи ва цемент моддалари билан фазалараро алоқаси оширишга ва полимер тампонаж қоришмаси тузилмасининг мустаҳкамланишига сезиларли даражада имкон яратади.

5. Тампонаж қоришмаси тузилмаси зичлигининг ортиши билан бир вақтда бўшлиқларнинг қисқариши орасидаги аниқланган қонуниятлар цемент тошининг мустаҳкамлилик кўрсаткичларининг ошиши учун қулай шароит яратишини кўрсатди.

6. Бир вақтнинг ўзида бўшлиқларнинг камайиши билан цемент структурасининг зичлиги ошишининг боғлиқлиги аниқланди, бу эса цемент тошининг мустаҳкамлик хусусиятларини ошириш имконини яратди.

7. Асоратли зоналарга енгиллаштирилган полимер тампонаж аралашмасини етказиб беришнинг янги услуб-турлари яратилди, бу эса Бухоро-Хива нефтгазли майдонларида аномал паст қатлам босим шароитида бурғилаш жараёнида вужудга келадиган бурғилаш эритмасини ютилишини бартараф қилиш имкониятини беради.

8. Кенг камровли тажрибавий-экспериментал ва ишлаб чиқариш тадқиқот ишлари олиб борилди, уларнинг ёрдами билан Жанубий Кемачи конининг 79-скважинасида ишлатиш қувурини цементлаш учун қулай шароит яратилди, ҳамда иктисодий самарадорлик олинди.

9. Илк бор стандарт («Полимер, тампонаж аралашмаси», амал қилиш муддати 2017 йил 15 августдан 2022 йил 15 августгача) ҳамда Технологик шартлар (ТШ «Нефть ва газ скважиналарини бурғилашда мустаҳкамловчи қувурларни мустаҳкамлаш учун полимер тампонаж аралашмалари», 2020 йил 25 октябрдан 2025 йил 25 октябргача) ишлаб чиқилди.

10. Цементлаш сифатини яхшилаш, уларнинг агрессив муҳитга бардошлилигини ошириш учун турли тўлдирувчиларнинг полимер тампонаж қоришмасига таъсири қонуниятлари тадқиқ қилинди.

11. Бурғилаш эритмасини қатламга ютилишини бартараф қилиш ва олдини олиш бўйича бир қатор чоралар ишлаб чиқилди:

а) каротаж кабели ёрдамида тушириладиган ПДМТ босим кўрсаткичи ёрдамида қатламни очиш вақтида унинг босимини аниқлаш;

б) қатлам босимида қоришма зичлигини мувофиқлаштириш;

в) ювиш вақтида, келтирилган формулалар асосида, суюқлик сарфини камайтириш;

г) бурғилаш колонналарининг тушириш тезлигини 0,5-1,0 м/с гача чеклаш;

е) бурғилашда барқарорлашган босим усулини қўллаш;

ж) махсус технология ёрдамида суюқлик ютилишини бартараф қилиш учун мост ўрнатиш.

11. Эксперимент йўли билан базальт қуқунини аралашма таркибига киритиш, цемент тошининг физика-механик хусусиятларини сезиларли даражада ошириши ва уларни агрессив муҳитга бардошлилигини орттириши кўрсатилди, шунингдек, полимер тампонаж қоришмасининг физик-механик хусусиятларини энг яхши кўрсаткичларини олишда тўлдирувчи ва акрил эмульсиясининг оптимал миқдори аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

РАХИМОВ КОМИЛХОДЖА АНВАРХОДЖАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ ЛИКВИДАЦИИ УХОДА ЖИДКОСТИ В
ОТЛОЖЕНИЯХ С ВЫСОКИМИ ФИЛЬТРАЦИОННЫМИ
СВОЙСТВАМИ**

04.00.11-Технология бурения и освоения скважин

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В2021.1.PhD/Т2068.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Умедов Шерали Халлокович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Алиев Боходир Абдуганиевич
доктор технических наук

Мамаджанов Эльзод Ульмасович
кандидат технических наук

Ведущая организация:

ГУ «ИГИРНИГМ»

Защита диссертации состоится «24» 02 2022 года в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/05.06.2020.T.03.06 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00, факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за №239). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00.

Автореферат диссертации разослан «8» 02 2022 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2022 года).



Н.Н. Махмудов
врио. Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Ш.А. Каримов
ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых
степеней, доктор философии PhD

А.А. Закиров
Зам Председателя научного семинара при
Научном совете по присуждению ученой
степени, доктор технических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире обеспечение роста добычи нефти и газа осуществляется, в основном, за счет увеличения объема и темпов буровых работ в глубокозалегающих продуктивных горизонтах. Однако, темп роста буровых работ сдерживается из-за возникающих осложнений, одной из которых является уход бурового раствора в пласт. В этом аспекте одной из актуальных задач является ускорение поиска и разведки нефтяных и газовых месторождений который требует совершенствования технологии с применением полимерных тампонажных смесей для ликвидации ухода жидкости в пласты с высокими фильтрационными свойствами. В связи с этим разработка состава тампонажного раствора на основе полимера, который повышает устойчивость смеси к агрессивной среде в пласте, а также способов доставки ее в осложнённую зону скважины, что имеет важное теоретическое и практическое значение.

В мире с целью повышения эффективности добычи углеводородного сырья, проводятся ряд научных исследований по разработке технологий установки цементных мостов для ликвидации поглощений, а также бурения скважин без аварий и осложнений в сложных горно-геологических условиях. В связи с этим, особое внимание уделяется созданию высокопрочного композиционного полимерного быстротвердеющего состава тампонажной смеси, для заполнения трещин и пустот и хорошей сцепляемостью с горными породами встречающимися в осложненных пластах.

В настоящее время в республике для развития топливно-энергетического комплекса особое внимание уделяется увеличению добычи нефти и газа, что в свою очередь требует внедрения передовых научно-обоснованных мероприятий по предотвращению ухода промывочной жидкости в пласт с высокофильтрующими пластами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены меры по «обеспечению комплексного и эффективного использования природного и минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов»¹. Исходя из этого, применение научно-методических основ и совершенствование процесса бурения скважин путем предупреждения и ликвидации осложнений в пластах с высокими фильтрационными свойствами имеет важное значение при строительстве скважин.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан», №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5635 от 17 января 2019 г. «О государственной программе по реализации Стратегии действий по

¹Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг».

пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития», №УП-5646 от 1 февраля 2019 г. «О мерах по организации деятельности Министерства энергетики Республики Узбекистан, от 9 марта 2017 года №ПП-2822 «Об утверждении Программы по увеличению добычи углеводородного сырья на 2017 – 2021 годы», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3107 от 30 июня 2017 г. «О мерах по совершенствованию системы управления нефтегазовой отраслью» и от 9 июля 2019 г. № ПП-4388 «О мерах по совершенствованию системы организации и проведения геологоразведочных работ на нефть и газ», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.

Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

